

## ЎЗБЕК ТИЛИДА ҚОН - ҚАРИНДОШЛИК ТЕРМИНЛАРИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШ ДАВРИГА КЎРА ТИПОЛОГИЯСИ

*Nafisa JALILOVA\**

### Аннотация

Маълумки, тилнинг луғавий қатлами фонетика ва морфологияга нисбатан тез ўзгаришчан бўлиб, асрлар оша даврга хос бўлган ўзгаришларни ўзида ёрқин акс эттириб боради. Қон-қариндошлик терминлари инсоният тарихининг энг қадимги давридан ибтидоий жамият тузумига мансуб бўлиб, ҳали мулкчилик тизими амалга ошмаган даврда пайдо бўла бошлаган. Ўзбек тили ҳам бундан мустасно эмас. Ўзбек тилидаги қон қариндошлик терминларининг яратилган давридан то шу кунга қадар тарихий тараққиётини қуйидагича гуруҳлар ажратиш мумкин: а) тарихий терминлар-ўзбек тилида тарихда кенг қўлланиб, ҳозирда умуман ишлатилмайдиган қон-қариндошлик терминлари; б) қадимий терминлар-ўзбек тил учун асос бўлган қадимдан мавжуд бўлиб ҳозирда ҳам қўланувчи қон-қариндошлик терминлари; янги терминлар-тилнинг синхроник нормалари шаклланиши даврида пайдо бўлган қон - қариндошлик терминлари. Мақолада ушбу гуруҳлар алоҳида таҳлил қилинган.

**Калит Сўзлар:** Ўзбек Тили, Ўзбек Тилшунослиги, Туркий Тиллар, Луғавий Қатламлар, Қон-Қариндошлик Терминлари, Тарихий Қон-Қариндошлик Терминлари, Қадимий Қон-Қариндошлик Терминлари, Янги Қон-Қариндошлик Терминлари, “Девону Луғатит Турк”.


## ÖZBEK TÜRKÇESİNDEKİ AKRABALIK TERİMLERİNİN OLUŞMA DÖNEMİNE GÖRE TİPOLOJİSİ

### Özet

Bilindiği gibi dilin kelime hazinesi onun fonetik ve morfolojik yapısına göre hızla değişen, yüzyılların dildeki etkisini açık bir şekilde yansıtan bir oluşumdur. Akrabalık terimleri insanlık tarihinin en eski çağlarında henüz mülkiyet sisteminin uygulamaya konulmadığı bir dönemde-ilkel toplumda dilde şekillenmeye başlamıştır. Bu süreç tüm dillerde olduğu gibi Özbek Türkçesinde de yaşanmıştır. Özbek Türkçesindeki akrabalık terimlerini şekillenmiş ve kullanılış dönemini aşağıdaki gibi üç gruba ayırabiliriz: a) Arkaik terimler – Özbek Türkçesinin çeşitli tarihî devirlerinde kullanılan, şimdilik hiç kullanılmayan terimler; b) Eski terimler – Özbek Türkçesindeki çağdaş akrabalık terimlerinin köklerinin dayandığı en eski temel terimler; c) Yeni terimler – Özbek Türkçesinin senkron dil normlarının oluşumunda şekillenen akrabalık terimleri. Bu makalede bu gruplardaki terimler ayrı ayrı incelenmiştir.

**Anahtar Sözcükler:** Özbekçe, Özbek Dilbilimi, Türk Dilleri, Dilin Kelime Hazinesi, Akrabalık Terimleri, Arkaik Akrabalık Terimleri, Eski Akrabalık Terimleri, Yeni Akrabalık Terimleri, "Devonu Luğatit Türk".

\* Semerkant Devlet Üniversitesi Özbek Dilbilimi Bölümü, Semerkant / ÖZBEKİSTAN, el – mek: nafisajalilova1978@gmail.com

 ORCID ID: <https://orcid.org/0000-0001-6184-3886>

## TYPOLOGY OF KINSHIP TERMS BY PERIOD OF OCCURRENCE IN UZBEK LANGUAGE

### Abstract

As is known, the lexical composition of the language changes rapidly in contrast to phonetics and morphology, it reflects the changes that have taken place in the language for centuries. The term of kinship appeared in the earliest period of human history - in a primitive society, at the time when system of private property had not yet emerged. Naturally, the Uzbek language is not an exception. The historical period of forming of kinship terms in Uzbek language is divided into the following groups: a) archaic terms - commonly used in the history of the Uzbek language, now not use in speech practice; b) ancient terms - oldest terms that are used in speech practice; new terms - terms of kinship, which appeared in the formation of synchronous norms of the Uzbek language. In the article, these moments were specially analyzed.

**Key Words:** Uzbek Language, Uzbek Linguistics, Turkic Languages, Lexica, Kinship, Historical Kinship Terms, Ancient Kinship Terms, Contemporary Kinship Terms, "Devonu Lugatit Turk".

Қон-қариндошлик терминлари (ҚҚТ) инсоният тарихининг энг қадимги даврдан ибтидоий жамият тузумига мансуб бўлиб, ҳали мулкчилик тизими амалга ошмаган даврда пайдо бўла бошлаган. У ўша жамиятдаги қариндошлик муносабатларининг умумий тушунчаларини ифодалаган. Д.А.Ольдерогеннинг таъкидлашича, қариндошлик тизимидаги авлодлар беш турга бўлинган: 1) мен ва ака-укаларим, опа-сингилларим; 2) отам, онам ва уларнинг авлодлари; 3) менинг бобом ва унинг авлодлари; 4) менинг фарзандларим; 5) менинг барча набираларим.

Қолган авлодлар тан олинмаган ва улар жинсий фарқ қилинмаган. Бу даврда қудандачилик муносабатлари шаклланмаган, шунинг учун қон-қариндошлик терминларининг бошқа турлари ҳисобга киритилмаган (Olderogge, 1951:28).

Маълумки, тилнинг луғавий қатлами фонетика ва морфологияга нисбатан тез ўзгаришчан бўлиб, асрлар оша даврга хос бўлган ўзгаришларни ўзида ёрқин акс эттириб боради. Шу нуқтаи назардан қараганда ҚҚТ лексиканинг бошқа қатламларига нисбатан тургун ва консерватив характерга эга бўлиб, улар семантикасидаги силжишлар (торайиш, кенгайиш)ни ҳисобга олмаганда ўзларининг энг қадимги, архаик шаклини сақлаб қолган бўлади. Масалан, Г.Айдаровнинг кўрсатишича, Ўрхун-Енисей (Энасой) ёдномаларида қайд этилган ҚҚТларидан 90 фоизга яқини (булардан айримлари фонетик ўзгаришга учраган ҳолда) ҳозирги туркий тилларнинг кўпчилигида мавжуддир (Aydarov, 1971: 136). Ҳақиқатдан, Ўрхун-Энасой ёзма ёдгорликлари тилида қайд этилган *ата, ада, ана, аба, ача, оғул, қыз, ақа, синил, уни, эр, қатун, йигит, қарындаш* сингари ҚҚТлари ҳозирги туркий тиллар, шу жумладан, ўзбек тили ва шеваларида ҳам у ёки бу фонетик ўзгаришга учраган ҳолда фаол қўлланиб келмоқда.

Ўзбек тилшунослигида ҚҚТлари жуда қадимий тарихга эга бўлиб, ўз таркибида яратилиш даврига қўра ҳатто ёзма ёдгорликларда ҳам қайд қилинган шакллари сақлаб келаётганлиги тарихий лексик, диалектал ҳамда махсус ҚҚТлар орқали ифодалаб келиши билан қимматбаҳо манба вазифасини ўтайди. Шунга қарамай мазкур терминлар ҳозирга қадар лингвистик нуқтаи назардан махсус текшириш объекти сифатида ўрганилмаган.

Бундан ўн аср муқаддам ёзилган Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғот-ит турк”идаги барча ҚҚТнинг бешдан тўрт қисми ўзбек тили ва унинг турли шеваларида

қарийб ҳеч қандай лексик-семантик ўзгаришсиз сақланиб қолганлиги кузатилмоқда. Жумладан, инсонлар ўртасидаги қариндош-уруғчилик муносабатларини ифодаловчи ҚҚТ ҳам туркология тарихида биринчи бўлиб мазкур асарда изоҳланган (Koşgariy, 1967: 9-385). “Девон”дан кейин яратилган асарларда қон-қариндошлик терминларига оид фикр ва мулоҳазаларнинг юзага келишида “Девону луғотит турк” асаридаги маълумотлар замин бўлган, десак муболаға бўлмайди.

С.Муталлибов тил тарихи ва лексикасига бағишланган монографиясида тарихий манбаларда қайд қилинган *ота, она, бола, ўғил, қиз, набира* каби қон-қариндошлик терминларини лексикология тарихи билан боғлаб таҳлил қилади (Mutallibov, S., 1959: 139-140). Т.З.Мирсоатов ўзбек тилининг қирқ шеваси (Mirsoatov 1953, I: 127-128). Ш.Афзалов Паркент шевасида қўлланувчи қариндошлик терминлари англатган маънолари ҳақида қисман тўхталиб ўтади (Afzalov 1953: 175-176).

Ўзбек тилидаги сўзларни пайдо бўлиш даврига кўра гуруҳлаш учун сўзнинг тилда пайдо бўлиш даври, қўлланиш муддати ҳисобга олинади. Тилнинг муайян даври учун луғавий норма бўлган сўзлар тил ривожининг бошқа бир даври учун норма ҳисобланмаслиги мумкин. Бу ҳолат луғат таркибидаги бир қатор сўзларнинг эскиришига, сўз даврининг фактига айланиб қолишига ва ҳатто кейинчалик тамоман унутилишига олиб келади. Сўзларни тилда пайдо бўлиш даврига кўра гуруҳлаш тил луғат таркибидаги турғун луғавий қатламларни ёки янги луғавий бирликларни белгилашга имкон беради.

Қон-қариндошлик терминларини пайдо бўлиш даврига кўра гуруҳлашдан асосий мақсад, мазкур терминларнинг энг қадимий шакллари, тарихий вариантларини аниқлаш ҳамда ҳозирги ўзбек тилида қўлланувчи қон-қариндошлик терминларининг ясалиш, пайдо бўлиш манбаларини белгилашдан иборат.

Қон-қариндошлик терминлари келиб чиқиш тарихига кўра қадимий бўлиб, улар туркий халқларда ҳали оила-қариндошчилик муносабатлари шаклланмасдан бурунги, қабила-уруғчилик муносабатлари шаклланаётган дастлабки босқич даврини ифода этувчи атамалар сифатида яратила бошлаган. ҚҚТнинг тарихий тараққиётини ўрганиш учун уларни пайдо бўлиш даврига кўра гуруҳлаш тақозо этилади. Шунга кўра қон-қариндошлик терминлари қуйидагича гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Тарихий терминлар-ўзбек тилида тарихда кенг қўлланиб, ҳозирда умуман ишлатилмайдиган қон-қариндошлик терминлари.
2. Қадимий терминлар-ўзбек тил учун асос бўлган қадимдан мавжуд бўлиб ҳозирда ҳам қўлланувчи қон-қариндошлик терминлари.
3. Янги терминлар-тилнинг синхроник нормалари шаклланиши даврида пайдо бўлган қон - қариндошлик терминлари.

Тарихий терминлар ўзбек тилининг муайян даврида қўлланган, аммо кейинчалик тилдан чиқиб, ҳозирги замон ўзбек тилида учрамайди. Бундай терминларни тарихий манбалар асосида аниқлаш мумкин. Турколог-олимларнинг туркий тилларда қўлланувчи қон-қариндошлик терминлари бўйича олиб борган илмий кузатишлари асосида тўплаган материаллари, яратган асарларини ўрганганимизда туркий тиллар билан бир қаторда ўзбек тилида қўлланган мазкур терминларнинг келиб чиқиш ва тарихий тараққиёти хусусида баъзи маълумотларни олдик. Туркий тилларга қон-қариндошлик терминларининг баъзилари туркий бўлмаган (Ҳинд-Европа, Мўғул, Ганован, Африка) тилларидан ўзлашган бўлиб, туркий тилларнинг тил хусусиятларига хос равишда талаффуз қилина бошлаган. Лекин туркий тилларнинг ўзиники бўлган қон-қариндошлик терминлари ҳам мавжуд бўлган. Йиллар ўтиши билан бу (ўзлашган ва ўзиники бўлган) терминлар ўз шакл ва баъзилари маъносини ўзгартириб туркий тиллар, хусусан, ўзбек тилининг лексик таркибидан ўрин эгаллаган. Ҳозирда эса уларнинг айримлари тамоман тилдан чиққан, баъзилари бошқа терминларнинг ясалшига асос бўлса, яна бир қисми

Ўзгаришсиз (фонетик хусусиятини ҳисобга олмаганда) сақланиб қолган бўлиб, тилнинг фаол сўзлари сифатида қўлланилмоқда. Ана шундай тилдан тамоман чиқиб кетган терминларга қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: *йотаз*-хотин, аёл, *йурч*-қайин, хотиннинг кичик укаси, *йегин*-жиян, набира, *кудаз*-аёл, *урагут*-аёл, хотинлар, *ава*-она, *ойаба*-қайинсингил, *көкү//көкяй*-хола, *тунур*- куда, *аштал* ўғул-кенжа ўғил, *эгат*-никоҳ кечаси келин ёнида хизмат қилувчи хотин, *чоново*-амаки, тоға, *авачча*-ини, жиян каби. Маҳмуд Кошғарий «Девон»ида ҳам бундай сўзларни кўриш мумкин: *kic//kici*-хотин (I,318), *намїжа*-божа (I, 417), *iri*-ака; эрнинг катта акаси (I, 114), *балдир огул* –ўғай ўғил (I, 425), *iular*-хотинлар (I, 140), *ганч*-бола (II, 351), *бачал*-акавачча (I, 373), *эгамлик*-келин (I, 164), *акэ*-опа (I, 116), *эчи*- кекса хотин (I. 114), *эвлук*-хотин (I, 252), *јирі*-хотиннинг ўғил укаси (III, 13). Бу ҚҚТ хозирги ўзбек тилида тамоман қўлланилмайди.

Бундай архаик ҚҚТ Алишер Навоий асарлари тилида ҳамда ўзбек мумтоз адабиёти намуналари тилида кўплаб учрайди: *абушқа-эр*, *чол*, *эран*- эрлар, мардлар, *ароис*- келинлар, *аҳфод*-неваралар, *бин,бинни*- ўғил, ўғли, *валад*-бола, *завжа*-хотин, *завжи*-эр, *инос*-аёллар, *хотинлар*, *хол-тоға* ва бошқалар (Navoiy asarlari luğati, 1972; Özbek klassik adabiyoti asarlari uchun qisqacha luğat, 1972).

Қадимий терминларни умумтуркий сўзлар деб айтишимиз ҳам мумкин, чунки ҳар бир туркий тилнинг лексикасини бойишида умумтуркий сўзларнинг ўрни катта. Албатта, бу умумтуркий сўзларнинг ҳар бир туркий тилда сақланиб қолиш даражасига боғлиқ. Масалан, Г. Айдаровнинг кўрсатишича, Ўрхун-Енисей ёдномаларида қайд этилган сўзлардан 90 фоизга яқини (буларнинг айримлари фонетик ўзгаришга учраган ҳолда) туркий тилларнинг кўпчилигида мавжуд (Aydarov, 1971: 136).

Дарҳақиқат, Ўрхун-енисей ёдномалари тилида қайд этилган *ата*, *ада* (*ота*), *анна*(*она*), *аба*(*опа*), *ача*(*буви*), *огул*(*ўғил*), *қыз*(*қиз*), *ақа*(*ака*), *сирил*(*сингил*), *ини*, *эр*, *келин*, *қарындаш* (қариндош) сингари терминлар туркий тиллар билан бир қаторда ўзбек тили ва унинг шеваларида фаол сўзлар сифатида қўлланилмоқда.

Шунингдек, бундан қарийб 1000 йил муқаддам ёзилган Маҳмуд Кошғарийнинг «Девон»идаги барча қариндошлик терминларининг бешдан тўрт қисми хозирги замон ўзбек тили ва унинг шеваларида ҳеч қандай лексик-семантик ўзгаришсиз (баъзилари бундан мустасно эвлук, ганч, кіс) сақланиб қолган: балдыв - хотиннинг сингиси, *эр* - эр киши, *энэ* - она, *өгәј*-ўғай, қиз, *өгәј огул*, *өгәј ата* - ўғай, ўғай қиз, ўғай ўғил, ўғай ота, *йанга* - янга, *ині* - ини, ука, *дәдә* - дада, ота, *йазна* - катта киз қардошнинг эри, *кәлін* - келин (Koşgariy, 1960-63, I, III: 426, 119, 144, 390, 119, 239, 113, 114, 315, 256, 213, 12, 384) кабилар.

В.В.Радлов, Э.В.Севортян ҳамда Л.З.Будаговлар томонидан яратилган луғатларни кузатганимизда, ҳақиқатан, ушбу терминлар туркий тилларга, шу жумладан, ўзбек тилига ҳам қадимдан қариндошлик муносабатларини ифодалаш учун қўлланиб келаётгани, уларнинг луғавий маъноси ҳамда фонетик шакллари деярли ўзгармаганлиги фақат (ҳозирда) уларнинг маъно доираси аста-секин кенгайиб бораётганлиги тўғрисидаги фикр ва мулоҳазаларнинг қанчалик тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Масалан, *овага//обага* термини амаки маъносида ишлатилган, ҳозир бу термин Наманган тип шеваларида шу маънода сақланиб қолган. Ача термини она, опа, буви маъноларида ишлатилган, ҳозирда бу сўз Наманган ва Фарғона шеваларида опа ва буви маъноларида учрайди. Бундан ташқари, қон-қариндошлик терминларининг ҳосил бўлишида асос бўлиб келган кўпгина терминларни аниқлаб олдик. Жумладан, почча термини маъносида дастлаб *езна*, *жезда* сўзлари қўлланилган, олимларимизнинг фикрича, *ба* сўзи қадимда, «катта, улуғ» маъносини англатган, *ача* сўзи эса ака, амаки маъноларини ифодалаган кишилар ўз акасини опасининг эридан ажратиш мақсадида *ба ача* деб мурожаат қилган ва бу сўз фонетик ўзгаришларга юз тутиб *бачча* - *пачча* - *почча* шаклига келиб қолган.

*Келин* сўзи орқали *келинойи* (янга), *келинчак*, *келинбиби*, *кинчаби* (янга маъносида шеваларда) терминлари ҳосил қилинган. Шунингдек, амаки-отанинг ака-укалари маъносини англатувчи сўз ҳам қадимги туркий тилда ота маъносини англатувчи ама сўзига ака терминини кўшиш орқали ҳосил бўлган, чунки сўзловчи отасининг акасини отасидан фарқлаш мақсадида ама ака сўзларидан фойдаланган ва бу сўз ўзбек тилида *ама ака* - *амака* - *амак*, *амаки* шаклида талаффуз қилина бошлаган. *Қайин*, *қуда* сўзлари билан ҳам бир неча янги терминлар юзага келганини айтиш мумкин: *қайинота*, *қайнона*, *қайинсингил*, *қайиноға*, *қайинопа*, *қуда хола*, *қуда бува*, *қудагай* каби.

Янги терминлар деб биз ўзбек тилининг туркий тиллардан фарқли равишда ўзбек тилининг мустақил тил бўлиб шаклланган даврдан то шу бугунга қадар бу тилда ясалган, пайдо бўлган терминларни тушунамиз. Яъни бу терминлар ўзбек тилининг ўзиники бўлган ўзбекча сўзлар ҳисобланади. Бундай сўзлар ўзлашган сўзлардан фарқланади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, қон-қариндошлик терминларининг юзага келишида қадимги терминлар асосий манба бўлиб хизмат қилган. Ўзбек тилининг мустақил тараққиёти давомида юзага келган терминлар ана шу терминлар асосида яратилган бўлиб, улар семантикаси ҳамда структураси жиҳатдан ўзига хослиги билан характерланади. Улар қуйидагилар: *ичкуёв*, *қариши қуда*, *вакил ота*, *катта ота*, *катта она* (*ойи*), *оппоғойи*, *холомойи*, *келинойи*, *опача*, *аммавачча*, *амакивачча*, *тоғавачча*, *холавачча*, *оппоғ дада*, *огайни* кабилар.

#### Адабиётлар

AYDAROV, G., (1971). *Yazık Orhonskih pamyatnikov drevnetyurkskoy pismennosti VIII veka*. Alma-ata.

KOŞGARIY, M., (1960-1963). *Devonu Lugatit Türk: I, II, III*. –Toshkent: Fan.

KOŞGARIY, M., (1967). *Devonu Lugatit Türk: İndeks Luğat*. –Toshkent: Fan.

OLDEROGGE, M., (1951). *Malayskaya sistema rodstva // Rodovoe obshestvo. Materialı İssledovaniya*. M.

MUTALLİBOV, S. M., (1959). *Morfologiya va leksika tarihidan qisqaça oçerk*. Toşkent: ÖzFA Naşriyati.

MİRSOATOV, T. Z., (1953). *Özbek tilining Qirq şevasi // Özbek Dialektologiyasidan Materiallar, I*. –Toşkent.

AFZALOV, Ş., (1953). *Özbek tilining Parkent şevasi // Özbek Dialektologiyasidan Materiallar, I*. Toşkent.

*Navoiy Asarlari Luğati*. 1972.

*Özbek Klassik Adabiyoti Asarlari Uchun Qisqaça Luğat*. 1972.